

**Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ҳамид
Олимжон ва Зулфия шеърятининг аҳамияти**

Фахриддин Шодиев

СамДУ кафедра мудири, филология фанлари номзоди

Маълумки, Ватан, макон сўзларининг замирида бутун коинотдан улкан, уммондан теран маъно бор. Ватан туйғуси ўзбек шеърятида қадим-қадимдан етакчи мавзулардан бири бўлиб, келган.

Ўзбек шеърятида инсон туғулиб ўсган маскан, она ватан мадҳини куйламаган шоир, ижодкор йўқ, назаримизда. Аслида, ватанга муҳаббат инсоннинг ёшлигидан, яъни илк болалик чоғларидан бошланади.

Бошланғич синф она тили, ўқиш ва одобнома дарсликларида ҳам бу мавзуга кенг ўрин берилган. Жумладан, ўзбек халқининг ардоқли ижодкорларидан Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодида ҳам Ватанга садоқат, она юртнинг муҳаббати ғоятда самимий ва ниҳоятда таъсирли тавсирланган. Агар ёш авлод ўз юрагига шу тошқин туйғуларни жойлаб олса, улар том маънода ватанпарвар бўлиб камол топадилар:

Мен дунёга келган кунданок
Ватаним деб сени, уйғондим.
Одам бахти биргина сенда
Бўлурига мукаммал қондим...
Ҳар айтганинг буюк жангнома,
Қайга десанг қайтмай кетурман,
Кўзларимни юммасман асло –
Дарё каби уйғоқ ўтурман (2).

Дарҳақиқат, бу ҳикматли сатрлардан беҳишт бўйи таралади. Чин куйчи қалбидан шундай оташ байтлар яралади. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов битганларидек: “Ҳамид Олимжоннинг оташин шеъряти ҳам ўзининг нозик ва инжа руҳи, тоза ва беғубор тил бойлиги билан мухташам назм қошонасини бугун ҳам безаб турибди. Бу гўзал шеърят ҳақида ўйлаганимизда кўз олдимиздан бетакрор ташбихлар, латиф туйғуларга йўғрилган қуйма сатрлар ўта бошлайди. Шоирнинг Ватан мавзусида ёзган мисралари доимий ҳамроҳимиз бўлиб қолади:

Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда, -
деб ёзган эди шоир “Ўзбекистон” шеърида. Ёхуд шоир юртни куйлаш учун “Дарё каби уйғоқ ўтурман”, дейди” (3). Шундай тиниқ туйғуларни, қайноқ оҳангларни, боболарнинг тарбиячи руҳини Зулфия ижодида ҳам кўп учратамиз:

Ғуруримга шоҳид:
Жаҳон назари
Қамаштирган Хива,
Бухоролар бор!
Дуч келса адоват – янчиб беаёв,

Заковат, адолат,
Иймон, диёнат
Қудратин ўзига муқаддас ялов –
Билган Соҳибқирон Темур,
Саркардалар бор! (4)

Бундай фалсафий, тарихий, ўйма сатрлар уч юз олтмиш томирни жўнбушга солади. Қайнаган юраклар Она тупроқдан куч, қувват, меҳр олади. Ижобий фазилатларни ибрат лашкарига тизиб, кўзинг тубига термулиб турган Темурга нима дейсан гўё?! Ватанга нима бердим дейсан, аё?! Ёким:

Ўзинг ташна этдинг, ўзинг сув тутдинг,
Қалбимдаги саҳром, дарёмсан, халқим!
Сени сева-сева мен бойиб кетдим,
Дунё ичра топган дунёмсан, халқим!..
Ҳали бор олдинда ўтмаган бурчим,
Ўтайман кўзимда тирик турса нур.
Умримдаги барча фасллар учун
Ўзига бек халқим, Сенга ташаккур

дейди шоира “Халқимга айтар сўзларим”да ёниб. Бу байтлардан эзгу хулосалар чиқармоқ керак қониб. Ташналик, ташналик, ташналик, сув тутмоқлик, сув тутмоқлик, сув тутмоқлик. Фақат халқнинг меҳри қаршисида, фақат халқнинг сийламоқлиғи оғушида... Шоиранинг ўлмас ижоди тириклигида “ўтамаган бурчини” мангу ўташга тушган. Ҳамид Олимжон ижодида ҳам Ватан севгиси лирик қаҳрамон юрагига - оташга тушган:

Халққа айтинг, мен асло ўлганим йўқ,
Ёв қўлига таслим ҳам бўлганим йўқ:
Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Бу ўт юракли лирик қаҳрамон осайишта дамларда, уйғониш кезларда бахшиёна ёна-ёна эл қалбидан тошиб-тошиб куйлайди:

Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон –
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.

Аммо бу лирик қаҳрамон қора кунларда, қонли тунларда ҳудудига ёв келган шердай “кутуриб” кетади. Томирида Туркистоннинг тўқсон минг бахшисининг қони гупуриб сел этади:

...Шунда бутун танимни
Ёндириб қаҳрим келди.
“Тўхтагил!” деб ҳайқирдим,
Тилимга заҳрим келди.
Қаёққа чекинасан?
Борми кераксиз еринг?
Не учун одам бўлдинг,
Келмасанг душманга тенг?
Сенинг-чун бутун элни

Оғир уят тутсинми?
Сени кўрганда куёш
Юзини беркитсинми?
Кўчадан ўтганинда
Ерга қарасинми эл?
Икки кўзингга қараб
Тупроқ тўзғитсинми ел?

Бундай ёнишлару ёндиришлар, бомбасиз ўйишлару тифсиз сўйишлар, ҳақиқат юзига юз қўйишлар минг йиллик, миллион йиллик эл адабиётининг маънавий ўқларидир. Бу байтлардан ўрнак олмаган ўладир. Ўлмаса ҳам ҳар нарса бўладир. Ахир бизнинг ёвларимиз бир умр орамиздан эси чақмоқ ўрларимизни ёлғиз-ёлғиз тортиб-тортиб олгандир, бошимизга минг бир куйни солгандир:

Осмон тегди бошима,
Кўзим тўлди жошима.
Товлар азон чалади,

Мен шоир жилошима... Бу сағир сатрлар миллий озодлик ҳаракати куйчиси, Қамашилик чечан бобомиз Бобоназар бахшининг ўлим олди дардларидандир...(5) Қаранг, шоир ва бахшимизнинг қайноқ булоқ айтимларининг жон қадар яқинлиги, момақалдиروقдай чақинлиги!!! Бари қонингни қайнатади, тафаккурингни ўйнатади, тарих зардобини чайнатади... Шунинг учун ҳам адабиёт ўзлик сувратиدير билганга, илму маърифат нарвондир жаҳон айвонига чиқмоқни мақсад қилганга...

Оташнафас шоира Зулфия ижодида ҳам тошқин сатрлар, гул-гул ўткир атрлар чаман-чаман. Айниқса, шоиримиз ва шоирамизга ҳатто ўрик ҳам Ватан ичра бир Ватандир:

Шоир севган ўлка кўксида
Хушбўй баҳор кезиб юради.
Не боғ! Ҳатто қоя устида
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади.

Зеро:

Теразамнинг олдида бир туп
Ўрик оппоқ бўлиб гуллади...

Бу ўлмас сатрларда минг бир маъно қотишган. Биз бу мисралар қатида муқаддас Ўзбекистонимизнинг минг бир дунёсини ҳис этамиз. Бу ҳикматларни ўқиб, уқиб завққа тўлиб кетамиз.

Демак, Она тупроқнинг ҳар зарраси ҳам Ватан, ҳар бир ниҳолию гулларидаги боли ҳам Ватан, эл аро туганмас мавзу ҳам Ватан эканлигини мурғак қалблар онги ва тафаккурига сингдириш бугунги кунда бошланғич таълим ўқитувчиларининг бош мақсади бўлмоғи керак.

Адабиётлар:

1. www.islom.uz
2. Олимжон, Ҳамид. Дарё каби уйғоқ ўтурман. Сайланма. – Т.: “Шарқ”, 2009.

3. Орипов, Абдулла. Танланган асарлар. Жилд 7. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2013.
4. Зулфия. Йиллар садоси: Сайланма. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
5. Муродов М., Эргашев А. Алпомишнома. Иккинчи китоб. Қашқадарё талқини. – Тошкент: Меҳнат, 2000.
6. G'afforova T., Nurullayeva Sh., Mirzahakimova Z. O'qish kitobi 2-sinf. –Toshkent: "O'qituvchi", 2016.
7. Umarova M., Hamroqulova X., Tojiboyeva R. O'qish kitobi 3-sinf. nashriyot-matbaa ijodiy uyi –Toshkent: "O'qituvchi", 2016.
8. Matchonov S., Shojalilov A., G'ulomova X., Sariyev Sh., Dolimov Z. O'qish kitobi 4-sinf. –Toshkent: "O'qituvchi", 2016.